

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ  
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

„5“ апрель 2018 й. г. № 267

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айrim  
қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

**(Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик  
чақируви резервидаги хизматини ташкил этиш  
чора-тадбирлари тўғрисида)**

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматни ва сафарбарлик чақируви резервиде хизматни ўташ тартибини амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг иловага мувофиқ айrim қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.
2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosари – Ўзбекистон Республикаси Молия вазири Ж.А.Кўчкоров ва Мудофаа вазири А.А.Азизов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 5 апрелдаги  
267-сон қарорига  
илова

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик чақируви резервидаги хизматини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2003 йил 22 февралдаги 99-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 2-сон, 17-модда):

1) 2-банднинг бешинчи ва олтинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга олинган шахслар томонидан тўланадиган маблағлар Мудофаа вазирлигининг «Сафарбарлик чақируви резерви маблағлари» Махсус ҳисобрақамида (кейинги ўринларда Махсус ҳисобрақам деб аталади) жамланади ва муддатли ҳарбий хизматни ўташ назарда тутилган тегишли вазирликлар ва идораларнинг муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчиларини захирага бўшатишда уларга нафақа пулини тўлаш, шунингдек, Мудофаа вазирлигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, шу жумладан қурол-яроғ, ҳарбий-техник мулк, ўқ-дорилар харид қилиш, биноларни таъмиглаш ва қуриш, сафарбарлик чақируви резерви хизматчилари иштирокида ҳарбий йиғинлар ўтказиш, йиғинлар маъмуриятининг таъминоти билан боғлиқ харажатларни қоплаш, сафарбарлик чақируви резерви хизматчиларининг ҳисобини юритувчи ходимларнинг мудофаа ишлари органларидағи таъминотига мақсадли тартибда йўналтирилади;

мудофаа ишлари органларида сафарбарлик чақируви резерви хизматчилари ҳисобини юритувчи ходимларнинг қўшимча сони Махсус ҳисобрақамнинг даромадлари ва харажатлари сметаси тасдиқланаётганда белгиланади. Бунда янги молия йилида Махсус ҳисобрақамнинг даромадлари ва харажатлари сметаси тасдиқлангунича уларга иш ҳақи тўлаш ўтган молия йилида белгиланган ходимлар сони доирасида амалга оширилади”;

2) 3-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги ҳамда 7-банддаги “Молия вазирлигининг” сўzlари “Мудофаа вазирлигининг” сўzlари билан алмаштирилсин; .

3) 4 ва 5-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

4) 6-банддаги “муддатли хизмат ҳарбий хизматчилари таъминотини яхшилаш, уларни буюмлар билан таъминлаш, қўшилмалар ва қисмларни спорт анжомлари ва - тренажёрлар, замонавий компьютер техникаси, ўқув материаллари, кутубхона фонди билан жиҳозлаш учун” сўzlари чиқариб ташлансин;

5) 1-иловада:

2-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“сафарбарлик чақириуvi резервидаги хизматга олинган шахслар томонидан тұланған пул бадаллари суммаси Мудофаа вазирлигининг “Сафарбарлик чақириуvi резерви маблағлари” Махсус ҳисобрақамида (кейинги ўринларда Махсус ҳисобрақам деб аталади) жамланади ва муддатли ҳарбий хизматни ўташ назарда тутилған тегишли вазирликлар ва идораларнинг муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчиларини захирага бўшатища уларга нафақа пулини тूлаш, шунингдек, Мудофаа вазирлигининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, шу жумладан курол-яроғ, ҳарбий-техник мулк, ўқ-дорилар харид қилиш, биноларни таъмирлаш ва қуриш, сафарбарлик чақириуvi резерви хизматчилари иштирокида ҳарбий йиғинлар ўтказиш, йиғинлар маъмуриятининг таъминоти билан боғлиқ харажатларни қоплаш, сафарбарлик чақириуvi резерви хизматчиларининг ҳисобини юритувчи ходимларнинг мудофаа ишлари органларидағи таъминотига мақсадли тартибда йўналтирилади.

Мудофаа вазирлигининг Махсус ҳисобрақами Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бош бошқармаси ҳисоб-китоб-касса марказида очилади”;

9<sup>1</sup>-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“9<sup>1</sup>. Пул бадалларини тұлаган, бирок ҳарбий йиғинлардан ўтмаган сафарбарлик чақириуvi резерви хизматчисига тұланған маблағлар, агарда у ҳарбий хизматта яроқсиз деб топилғанда ва унга тиббий-мехнат экспертиза комиссияси (ТМЭК) томонидан 27 ёшгача I, II ёки III гурух ногиронлиги берилған ҳолатда белгиланған тартибда қайтариб берилади.

Сафарбарлик чақириуvi резерви хизматчиси вафот этган тақдирда тұланған пул бадаллари унинг яқин қариндошига, меросхўрига, васийсига ёки ҳомийсига қайтарилади.

Ортиқча тұланған, шунингдек, Махсус ҳисобрақамга янглишиб ўтказилған пул бадаллари мазкур Низомнинг 9<sup>2</sup> ва 9<sup>3</sup>-бандларида белгиланған тартибда қайтарилади.

Бошқа ҳолатларда Махсус ҳисобрақамга ўтказилған пул бадаллари қайтариб берилмайди”.

9<sup>2</sup>-бандда:

бешинчи, олтинчи ва еттинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Мудофаа ишлари бошқармаси мудофаа ишлари бўлими тақдим этган ҳужжатларни кўриб чиққандан сўнг уч иш куни мобайнида тегишли ҳарбий окрукка тұланған пул бадалларини қайтариш ҳақида илтимоснома юборади.

Ҳарбий округ<sup>6</sup> мудофаа ишлари бошқармаси тақдим этган ҳужжатларни кўриб чиққандан сўнг уч иш куни мобайнида Мудофаа вазирлигига транзит ҳисобрақамига тұланған пул бадалларини қайтариш ҳақида хат юборади.

Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ тақдим этган ҳужжатларни кўриб чиққандан сўнг уч кун муддатда аризада кўрсатилған пул суммасини, тўлов тақдимномасининг «Тўлов тафсилотлари» сатрида ҳарбий округдан юборилған хатнинг, тузилған шартноманинг санаси ва рақамини, пул маблағларини олувчининг фамилияси, исми ва отасининг исмини кўрсатған ҳолда, Махсус ҳисобрақамдаги пул маблағларини сақлаш учун ҳарбий округнинг депозит ҳисобрақамига қайтаради”;

саккизинчи хатбоши чиқариб ташлансан;

тўққизинчи-ўн тўртинчи хатбошилар тегишли равишда саккизинчи-ўн учинчи хатбошилар деб ҳисоблансан;

9<sup>3</sup>-бандда:

тўртинчи, бешинчи ва олтинчи хатбошилар қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“Мудофаа ишлари бошқармаси мудофаа ишлари бўлими тақдим этган хужжатларни кўриб чиққандан сўнг уч иш куни мобайнида тегишли ҳарбий окрекка янгишиб ўтказилган пул маблағларини қайтариш ҳақида илтимоснома юборади.

Ҳарбий округ мудофаа ишлари бошқармаси тақдим этган хужжатларни кўриб чиққандан сўнг уч иш куни мобайнида Мудофаа вазирлигига транзит ҳисобрақамига янгишиб ўтказилган пул маблағларини қайтариш ҳақида хат юборади.

Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ тақдим этган хужжатларни кўриб чиққандан сўнг уч кун муддатда аризада кўрсатилган пул суммасини, тўлов тақдимномасининг «Тўлов тафсилотлари» сатрида ҳарбий округдан юборилган хатнинг, тузилган шартноманинг санаси ва рақамини, пул маблағларини олувчи жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исмини (ёки юридик шахснинг номини) кўрсатган холда, транзит ҳисобрақамига пул маблағлари янгишиб ўтказилган Халқ банки тегишли филиалининг алоҳида маҳсус ҳисобрақамига қайтаради”;

еттинчи хатбошидаги “Молия вазирлигидан” сўзлари “Мудофаа вазирлигидан” сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банддаги “Молия вазирлигининг маҳсус ҳисоб рақамига” сўзлари “Маҳсус ҳисобрақамга” сўзлари билан алмаштирилсин;

16-банддаги “Бирлашган” сўзи “Бош” сўзи билан алматширилсин;

6) 2-иловада:

номидаги ва 1-банддаги “Молия вазирлигининг” сўзлари “Мудофаа вазирлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банд қуидаги таҳрирда баён қилинсан:

“4. Сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат сафига олинган шахслар тўлайдиган пул бадаллари маблағларни жамлаш учун қуидаги ҳисоб рақамлари очилади:

туман (шахар) мудофаа ишлари бўлимига – Халқ банкининг тегишли туман (шахар) филиалида 29896 “Бошқа мажбуриятлар” транзит ҳисоб рақами (кейинги ўринларда туман (шахар) транзит ҳисоб рақами деб аталади) очилади;

вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрининг) мудофаа ишлари бошқармасига – Халқ банкининг тегишли вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрининг) филиалида 29896 “Бошқа мажбуриятлар” транзит ҳисоб рақами (кейинги ўринларда вилоят транзит ҳисоб рақами деб аталади) очилади;

Мудофаа вазирлигига - Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бош бошқармаси ҳисоб-китоб-касса марказида 21512 “Сафарбарлик чақируви резерви маблағлари” талаб қилиб олинадиган маҳсус (депозит) ҳисобрақами очилади.

7-банд қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“7. Халқ банкининг туман (шахар) филиаллари тўланган бадаллар суммасини Халқ банки филиалларининг вилоят транзит ҳисобрақамларига, Халқ банкининг вилоят филиаллари эса тўланган бадаллар суммасини Марказий банкнинг Тошкент шахар бош бошқармаси ҳисоб-китоб-касса марказидаги Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг 21512 “Сафарбарлик чақируви резерви маблағлари” талаб қилиб олинадиган маҳсус (депозит) ҳисобрақамига кейинги иш кунидан кечиктирмай ўтказади”;

9-банднинг иккинчи хатбошидаги “Молия вазирлиги” сўzlари “Мудофаа вазирлиги” сўzlари билан алмаштирилсин;

10-банддаги “Халқ банкининг вилоят бошқармаси” сўzlари “Халқ банкининг вилоят филиали” сўzlари билан алмаштирилсин;

11-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“11. Мудофаа вазирлиги мудофаа ишлари бошқармаларининг ҳар ойлик ҳисоботларини умумлаштиради ва ҳисбот даври тугагандан сўнг ўн иш кунидан кечиктирмай Ўзбекистон Республика акциядорлик тижорат Халқ банки билан келишади”;

12 ва 13-бандлар қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“12. Маҳсус ҳисобрақам маблағларидан муддатли ҳарбий хизматни ўташ назарда тутилган тегишли вазирликлар ва идораларнинг муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчиларини захирага бўшатишда уларга нафака пулини тўлаш, шунингдек, Мудофаа вазирилигининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, шу жумладан қурол-яроғ, ҳарбий-техник мулк, ўқ-дорилар харид қилиш, биноларни таъмирлаш ва қуриш, сафарбарлик чақируви резерви хизматчилари иштирокида ҳарбий йиғинлар ўтказиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш, йиғинлар маъмуриятининг таъминоти, мудофаа ишлари органларидаги сафарбарлик чақируви резерви хизматчиларининг ҳисобини юритувчи ходимларни таъминлаш учун фойдаланилади.

Маҳсус ҳисобрақам маблағларидан тасдиқланган харажатлар сметасига (йигма ва тегишли вазирликлар ва идоралар бўйича) мувофиқ фойдаланилади.

Ҳар бир идора бўйича харажатлар сметалари унинг раҳбари томонидан тасдиқланади ва белгиланган тартибда Мудофаа вазирлигига рўйхатдан ўтказилади.

13. Мудофаа вазирлиги ҳар йили 15 марта Маҳсус ҳисобрақамга пул бадали тушумларидан келиб чиқсан ҳолда, тегишли ҳисоб-китоблар ва асослар билан бирга даромадлар ҳамда маблағларни сарфлаш сметасини тасдиқлайди.

Маҳсус ҳисобрақам даромадлари ва маблағларини сарфлаш сметаси тасдиқланиб, Молия вазирлигига белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг, Мудофаа вазирлиги харажатлар сметаларини ишлаб чиқиши учун назорат рақамларини муддатли ҳарбий хизматни ўташ назарда тутилган тегишли вазирликлар ҳамда идораларга етказади”;

16-банддаги “Молия вазирлигига” сўzlари “Мудофаа вазирлигига” сўzlари билан алмаштирилсин;

22-банддаги “Молия вазирлигига” сўzlари “Мудофаа вазирлигига” сўzlари билан алмаштирилсин;

23-банндаги “Молия вазирлиги” сўзлари чиқариб ташлансин;

25-банндаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ҳамда” сўзлари чиқариб ташлансин;

7) З-илованинг номидаги “Молия вазирлигининг” сўзлари “Мудофаа вазирлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин.

**2.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг оддий аскарлар ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида” 2003 йил 22 майдаги 227-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 5-сон, 39-модда) 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**3.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини озиқ-овқат билан таъминлашни такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” 2004 йил 8 октябрдаги 467-сон қарорининг 5-банди куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчилари ва бошقا тоифадаги ҳарбий хизматчиларининг овқатланишини ташкил этиш билан боғлиқ қўшимча харажатлар тегишли вазирликлар ҳамда идораларга ҳар йили ажратиладиган бюджет маблағлари ҳисобидан қопланишини таъминласин”.